Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (5934). ● 14 апрель, 1977 йил ⊙ ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин

«УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ВА СССРда ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИНИНГ ТАНТАНАСИ» МАВЗУИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизлар мамлакатимизда пролетар интернационализмининг революцион мактаби бўлган Улуғ Октябрь ва социалистик қурилишнинг жуда бой тажрибасини коллектив равишда чуқур, илмий анализ қилиш учун серқуёш Узбекистон пойтахтига тўпландингиз.

КПСС бундай конференцияларга муҳим аҳамият беради. Сизлар муҳокама қиладиган мавзу ғоят актуалдир.

СССРда марксизм-ленинизм идеологияси ва интернационализмнинг тантанаси — чинакам халқаро аҳамиятга молик ғалабадир. Совет жамиятининг бутун ҳаёти, СССР халқларн тенг ҳуқуқли кўп миллатли оиласининг бузилмас дўстлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг илҳомбахш меҳнати — ана шулар амалдаги интернационализмнинг ўзидир.

Барча халқлар учун ғоят буюк неъмат ва ҳозирги инсоният тараққиётининг муҳим шарти бўлган ер юзида тинчлик учун қураш КПСС халқаро снёсатн интернационализмининг олий кўринишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Пролетар интернационализми — ишчилар синфи, халқаро коммунистик ҳаракатнинг қудратли, синалган қуроли эканлигини КПСС XXV съезди зўр куч билан таъкидлади.

Партиямиз улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, пролетар интернационализмининг ҳаёт синовидан ўтган ўзгармас принципларн мусаффолигини мукаддас билиб асрамоқда.

Октябрнинг 60 йиллиги арафасида иш бошлаган конференциянгиз жаҳон революцион жараёнининг ҳозирги босқичида пролетар интернационализми назарияси ва снёсатининг бутун улуғворлигини очиб беришн лозим.

Сизларга катта ижодий ютуқлар ва конференция ишида муваффақият тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.



Тошкент, 13 апрель. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги илмий-назарий конференциянинг очилиши.
А. Абалян фотоси.

ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ВА ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ

13 апрель куни Тошкентда «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-назарий конференция ўз ишини бошлади. Бу конференцияни СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси уюштирди. Конференциянинг ишида таниқли совет олимлари, бир қанча иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг раҳбарлари, қардош социалистик мамлакатларнинг фан арбоблари, шунингдек Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидан келган меҳмонлар қатнашмоқда.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табрикномасини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бу табрикномани ўқиб берди.

Конференциянинг биринчи ялпи мажлисини СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев кириш нутқи билан очди.

«Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуида Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Конференцияда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори академик Н. Н. Иноземцев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Маланчук, СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Т. Тимофеев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Т. Кузьмин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясининг ректори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Т. Иовчук, тарих фанлари доктори В. С. Семенов (Москва) ҳам сўзга чиқдилар. Нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, Леонид Ильич Брежневнинг табриги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришга жуда катта эътибор бераётганлигини, уларнинг Улуғ Ленининг пролетар интернационализми мустаҳкам принципларини муқаддас билиб авайлаш ва мусаффо сақлаш ҳақидаги барҳаёт васиятини собитқадамлик ва изчиллик билан амалга ошираётганлигини исбот этувчи яна бир ёрқин далилдир. Нотиқлар самимий табрикнома учун ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик ва қизғин ташаккур изҳор қилдилар.

Конференция минбарига чиққан нотиқлар уқтириб ўтганидек, пролетар интернационализми байроғи остида Октябрь ғалаба қозонди, биринчи социалистик давлатнинг позициялари мустаҳкамланди, жаҳон социализм системаси вужудга келди, социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда, халқаро революцион ишчилар ҳаракати ўсмоқда ва жипслашмоқда.

Докладчи Ш. Р. Рашидов ва сўзга чиққан нотиқлар СССРда интернационализм тантана қилганлигини, совет Ўрта Осиёси республикаларида, Россиянинг бошқа собиқ чекка миллий ўлкаларида Октябрь ғалабалари ва пролетар интернационализмининг зафарли одимларини яққол фактлар ва мисоллар билан тасдиқладилар. Бу халқлар ягона қардош оилада тарихан қисқа вақт ичида асрий қолоқликни тугатилар, феодализмдан ривожланган социалистик жамият сари қадам қўйдилар.

Совет Ўрта Осиёсидаги республикалар Шарқда социализмнинг чинакам машъали бўлиб қолди. Капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, социализмга ўтган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз халқлари ва бошқа халқларнинг катта ва ибратли тажрибаси марксчи-ленинчиларнинг ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий тараққиёт йўллари ва формалари тўғрисида муҳим назарий хулосалар чиқариб олишларига ёрдам беради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш вақтида сўзлаган нутқида бундай деди: «Совет Ўрта Осиёси гуллаб яшнаганлиги, унинг тез суръатлар билан олға бораётганлиги шонли Коммунистик партиямиз ленинча миллий снёсатининг бевосита натижасидир. Бу снёсат интернационализм принципларига асосланган, у ўзини озод қилиш билан бирга барча мазлум халқ оммасини ҳам озод қилаётган ишчилар синфининг тарихий бурчи конкрет ишларда мужассамланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир. Бу снёсат Шарқ революцион оммасининг мустақил тарихий яратувчилик билан шуғулланиш учун жуда катта имкониятлари борлигини ва бу бунёдкорликни тўла-тўкис ишга солиш учун ҳамма чораларни кўраётганлигини тушунишимиздан келиб чиқади ва мутаносил келиб чиқмоқда».

Ривожланган социализм барпо этилганлиги, кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи тарихи топганлиги натижасида совет Ватанидаги меҳнаткашларнинг интернационал ҳамкорлиги традицияларн янада чуқурлашди ва кенгайди. Совет халқлари Ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар мислсиз кенг ривож топди. Мисоллардан бирини, кўрсатиб ўтамиз: Совет Иттифоқида барча республикаларнинг меҳнаткашлари ўзининг меҳнат самараларини Ўзбекистон билан баҳам кўрмоқда. СССРда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланмаётган бирорта ҳам шаҳар ва қишлоқ йўқ.

Конференцияда империализм ва реакцияга қарши қураш интернационал бирдамлик масалалари батафсил қараб чиқилди. Замонамиздаги революцион кучларнинг умумий бирдамлик системасида пролетар интернационализмининг ўрни ва роли, КПССнинг ленинча миллий снёсатини амалга оширишда пролетар интернационализмининг роли ва аҳамияти, СССРда идеология ва маданият соҳасида социалистик революциянинг аҳамияти, етук социализм шароитида меҳнаткашларни снёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ошириш омили бўлган интернационал руҳда тарбиялашнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Конференция қатнашчилари янги тарихий вазиятда пролетар интернационализми идеологияси ва снёсатининг таъсир доираси ғоят кенгайганлигини уқтириб ўтдилар. Пролетар интернационализми илмий коммунизм назарияси ва практикасининг энг муҳим принципи, коммунистларнинг барча халқлар порлоқ истиқболи учун олиб бораётган курашида уларнинг куч ва ғалаба манбаидир. Бу — ҳозирги кунда демократик ва антиимпериалистик кучлар ҳалқаро бирдамлиги хилма-хил системасининг асосий негизидир. Пролетар интернационализмининг мазмуни қардош социалистик мамлакатлар Ўртасидаги тамомила янгича муносабатлар билан, уларнинг капитализм дунёсидаги ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат билан иттифоқи мазлум халқларнинг миллий озодлик ҳаракати билан, планетадаги барча тинчликсевар кучларнинг кескинликни юмшатишни моддийлаштириш, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракати билан иттифоқи туфайли янада бойиди.

Конференцияда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, пролетар интернационализми ишчилар синфининг ва Коммунистик партияларнинг қудратли революцион қуроли бўлиб келди ва шундай қурол бўлиб қолаверади. Конференцияда нотиқлар пролетар интернационализмининг мазмуни, формалари ва таъсир доираси кенгая боргани ҳолда, ўзининг синфий моҳиятини йўқотмайди, деб қайд қилдилар. Ҳар бир қардош партия ўз снёсатини ўз мамлакатининг шароитларига мувофиқ мустақил ишлаб чиқади, аммо интернационализм принциплари муштаракдир. Коммунистик партиялар бу принципларни ўнг ва «сўл» оппортунистлар ҳамда ревизионистларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш учун доим ва муросасиз қураш олиб бормоқдалар.

Шу сабабли империализм идеологлари революцион кучларни бир-биридан ажратиб юбориш, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлигига, жаҳон коммунистик ҳаракатига путур етказиш учун жон жаҳдлари билан уринмоқдалар. Улар пролетар интернационализми ғояларининг жозиба кучини заифлаштиришга интилиб, Совет Иттифоқига, социализм мамлакатларига туҳмат қилмоқдалар. Аммо, конференция қатнашчилари таъкидлаб ўтганидек, тарихнинг боришини тўхтатиб бўлмайди. Халқаро ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракат йил сайин ўсиб, унинг куч-қудрати ошиб бормоқда. Октябрь социалистик революциясининг улуғворлиги бутун жаҳон олдида тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Ленин ғоялари, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар даъват яшамоқда, мустаҳкамланмоқда ва ғалаба қилмоқда.

Конференциянинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. Л. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мўсахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Кузьмин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Раҳимова, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Моллаева, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашмоқдалар.

Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА

«Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчилари 13 апрель куни эрталаб Тошкентнинг Марказий майдонига келдилар.

Совет Иттифоқи ва бир қанча чет элларнинг олимлари ҳамда жамоат арбоблари В. И. Ленин ҳайкали ёнига гуллар қўйишди.

Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйилди.

(ЎзТАГ).

ОКТЯБРГА БАҒИШЛАБ

Тошкент область партия комитети Сиёсий маориф уйи В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали билан ҳамкорликда «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Ўзбекистонда ленинча ғояларнинг тантанаси» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказди.

Конференцияга партия, комсомол снёсий маориф бошланғич бўғин пропагандистлари таклиф қилинди.

Область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев конференцияни кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Тошкент олий партия мактаби КПСС тарихи кафедрасининг мудири К. Е. Житов «Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси», тарих фанлари доктори, профессор М. Г. Ваҳобов «Ўзбекистонда ленинча миллий снёсатнинг тантанаси», тарих фанлари доктори, профессор Г. А. Ҳидоятов «Улуғ Октябрнинг ғалабаси тўғрисида буржуа фальсификаторларининг уйдирмалари» мавзуларида доклад қилдилар.

Ш. ТЎЛАГАНОВ,
область партия комитети снёсий маориф уйининг консультанти.

ИСПАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ИСПАНИЯНИНГ БАРЧА КОММУНИСТЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Испания Коммунистик партиясининг очиқ шароитда ишлай бошлаши муносабати билан совет коммунистлари номидан Испаниянинг барча коммунистлари ва демократларини қизғин табриклайди.

Коммунистларнинг, ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, барча испан демократларининг фашизмга қарши, мамлакатдаги снёсий ва ижтимоий ҳаётни чуқур демократлаштириш учун узоқ вақт мобайнида олиб борган қаттиқ қураши натижасида Испания Коммунистик партиясининг очиқ шароитда ишлашига имконият туғилди. Бу — айни вақтда Испаниядаги демократик кучлар билан қудратли халқаро бирдамлик натижасидир.

Испания Компартияси қарийб қирқ йил мобайнида тақиқланиб, ғоят яширин шароитда ишлаб келган, испан коммунистларига қарши қаттиқ репрессиялар давом этган бир даврда бизнинг партиямиз, бутун халқимиз Испания коммунистлари билан жанговар бирдамликларини изҳор қилдилар, уларни бегараз, қардошларча қўллаб-қувватлаб келдилар.

Совет ва испан коммунистларининг фашизмга қарши биргаликда олиб борилган курашда чиниққан дўстлиги ва бирдамлиги энг қимматли ютуқдир. Совет Иттифоқи ва Испания халқларининг манфаатлари, мамлакатларимиз Ўртасидаги ҳамкорлик, Европадаги тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, бу ютуқни авайлаб сақлаш ва кўпайтириш керак.

Испания коммунистларининг, янги, демократик Испания учун марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг ўзгармас принциплари асосида ўз сафларини янада мустаҳкамлаш учун курашда муваффақият қозонишларини тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СОВЕТ-АФҒОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ

12 апрель куни Кремлда Совет-Афғонистон музокаралари бошланди.

Музокараларни Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, иқтисодий алоқалар Давлат комитети Раиси С. А. Скачков;

Афғонистон томонидан — Афғонистон Республикасининг президенти Муҳаммад Довуд, Савдо министри Муҳаммадхон Жалолар, Планлаштириш министри Али Аҳмад Хуррам, Сув ресурслари ва энергетика министри Муҳаммад Муҳаммади Жума, Ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Воҳид Абдулла олиб бормоқдалар.

Дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар давомида Совет-Афғонистон муносабатларининг ҳозирги аҳволига доир бир қанча масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Икки мамлакат ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик муносабатлари муваффақиятли ривожланаётганлиги ва яхши истиқболга эга эканлиги якдиллик билан қайд этилди. Томонлар ҳар икки мамлакатнинг тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорлиги Совет Иттифоқи билан Афғонистон халқларининг манфаатлари йўлида доимо кенгайиб ва мустаҳкамланиб бориши учун зарур чораларни кўришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирган бир қанча муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. Жаҳонда, шу жумладан Осиё районларида кескинликни юмшатиш, ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига жуда катта эътибор берилди.

Музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

СОВЕТ—АФҒОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

13 апрель куни Кремлда Совет — Афғонистон музокаралари тугади.

Совет томонидан музокараларни КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг Раиси С. А. Скачков;

Афғонистон томонидан — Афғонистон Республикасининг президенти Муҳаммад Довуд, Савдо министри Муҳаммадхон Жалолар, Планлаштириш министри Али Аҳмад Хуррам, Сув ресурслари ва энергетика министри Муҳаммад Муҳаммади Жума, Ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Воҳид Абдулла олиб бордилар.

Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда Совет — Афғонистон муносабатлари муҳим бўлган масалалар батафсил муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни барқарор ва узоқ муддатли асосда янада чуқурлаштириш учун мавжуд имкониятларни юзага чиқариш йўналишлари белгиланди.

Халқаро проблемалар юзасидан ўтказилган фикрлашув чоғида халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, кескинликни юмшатиш жараёнини Осиёда ёйиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Совет — Афғонистон қўшма ҳужжатлари келишиб олинди.

Музокаралар дўстона вазиятда, ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик руҳида ўтди.

(ТАСС).

ЭРТАПИШАР САБЗАВОТ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНМОҚДА

Тошкент областидаги ихтисослаштирилган хўжаликларнинг механизаторлари қишда экин экилган далалардан эртапишар сабзавотни йиғиштириб олишга киришдилар. Калинин, Оржоникидзе ва Тошкент районларининг сабзавоткорлари дастлабки юз тонна кўкпиёз, сабзи, редиска, лавлаги етиштирдилар. Ҳамма жойда сабзавот қишдан яхши чиққанлиги аниқланди.

Тошкент областидаги хўжаликларда юбилей йилида 2340 гектар майдонга эртапишар сабзавот экилди. Мутахассисларнинг аниқлашича қараганда, деҳқонлар ана шу майдонлардан 25 минг тонна маҳсулот оладилар.

(ЎзТАГ).

БИЗ — ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

АҲИЛ ВА ИНОҚ ОИЛА

БИЗНИНГ институтимизни ҳақли равишда катта интернационал дўстлик оиласи дейиш мумкин. Бу ерда ҳозир 48 миллат ёшларидан иборат ўттиз мингдан ортиқ йигит-қиз фан асосларини пухта эгалламоқда.

Студентларимиз орасида чет эл мамлакатларидан келган ёшлар ҳам анчагина. Улар 14 мамлакат вакилларидир. Профессор-ўқитувчилар коллективи ҳам кўп миллатли энёлнлардан иборат.

СТУДЕНТЛАР ўртасида интернационал дўстлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Улар бир-бирлари билан яқин ҳамкор, дўст ва биродар бўлиб, иноқ оила фарзандларидек аҳил яшайдилар. Студент-ёшлар орасида олиб борилаётган тадбирларнинг муҳим қисмини интернационал дўстлик тарбияси ташкил этаётганининг боиси ҳам ана шунда!

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги, тенг ҳуқуқлилиги масалалари айниқса институт фанлар кафедралари томонидан ташкил этилаётган лекция ва суҳбатларнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб қолди. Кўпчилик студентлар институт фанлар, ВЛКСМ ва халқаро ёшлар ҳаракати тарихи бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ илмий ишлар конкурсларида актив қатнашиб келмоқдалар. Ўтган ўқув йилининг ўзида бундай тадбирларга тўрт мингдан ортиқ студент жалб этилди. Улар томонидан пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги мавзусида бир неча проблема ишлаб чиқилди.

Студент-ёшларни ватанпарварлик ва интернационал дўстлик руҳида тарбиялаш бўйича ташкил этилаётган илмий-назарий конференцияларга пухта тайёргарликлар кўрилади. СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлиги масалаларига бағишланаётган турли тадбирлар эътиборга сазовордир. «СССР халқлари дўстлиги ва қардошлиги—мамлакатимиз куч-қудратининг манбаидир» деган мавзуда эса философия ва илмий коммунизм кафедралари назарий конференциялар ташкил этдилар. Унда 20 дан ортиқ доклад тингланди. Шулардан 7 таси республика конкурсига тақдим этилди. 8 студент эса мукофот ва Фаҳрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Студентлар тайёрлаётган илмий докладлар орасида интернационал дўстлик мавзуларига бағишланган ишлар ҳам анчагина. «Ўзбек социалистик миллатининг маорифи, тараққиёти ва равнақи», «Студент ва ишчи ёшларнинг интернационал тарбияси», «ВЛКСМнинг халқаро ёшлар ҳаракати бирлиги ва жипслиги учун кураши» каби докладлар, шулар жумласидан.

Халқлар дўстлиги университети машғулотлари ҳам интернационал тарбиянинг муҳим формаларидан бирига айланиб қолди. Шу билан бирга олий ўқув юртимизда интернационал дўстлик клуби ҳам ишлаб турибди. Клуб йўли билан турли мамлакатлар ёшлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамфикрликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар анъаналарига чуқур ҳурмат билан қараш, чет эллик студентларни республикамиз ҳаёти билан яқиндан таништириш борасида анча ишлар қилинди.

Қардошлик меҳр-туйғуларини тараннум этишда бадиий ҳаваскорлик коллективларининг ҳиссаси катта. Лектор ва бадиий ҳаваскорлардан ташкил топган «Дўстлик бригада»си ҳар йили иттифоқимиз шаҳарларига ўйлаб сафарга чиқади. Бу бригада Москва ва Минскда. Тюмень ва Бокуда, Красноярск ва Гомелда ҳам бўлди.

Студентлар ўртасидаги интернационал тарбияга бундан кейин ҳам алоҳида аҳамият берамиз, уларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш бизнинг жонажон институтимиз бўлиб қолади.

П. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент политехника институти илмий-тадқиқотлар секторининг бошлиғи, доцент.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси фан, техника тараққиёти ва олий таълим комитетининг раиси Начо Папазов АПН мухбирининг илтимосига кўра СССР ва ВХР ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида қуйидагиларни гапириб берди:

— Прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини иншонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу совет кишилари ҳаётида муҳим санадир. Аммо болгар халқи ҳам Октябрнинг 60 йиллигини ўзининг шодиёна байрами деб кутиб олмоқда. Бу байрамни улуғ Ленин идеяларининг нури ёритиб турибди. Бу идеялар қардош социализм мамлакатларининг тарихий муваффақиятларида ўз аксини топмоқда. Республикамиз Болгария Коммунистик партияси раҳбарлигида 30 йилдан кўпроқ вақт давомида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ажойиб ютуқларга эришди. Ҳозирги Болгария ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан биз-да ишлаб чиқариш кучларини тез суръатлар билан ўстириш учун мустаҳкам база барпо қилинди. СССР билан ҳамкорликда қурилган корхоналар мамлакатнинг индустриал қиёфасини белгилямоқда. Болгар қишлоғида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Энди-ликда социалистик қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Республика фан ва маорифни ривожлантириш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди.

Болгар ва совет халқларининг дўстлигисиз Болгария Халқ Республикасининг социалистик тараққиёт йўлидаги муваффақиятларини тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Бу дўстлик социализм ва коммунизм йўлидаги умумий ҳаракатимизни йўналтириб турибди.

БХРда социализм қурилиши фан ва техниканинг жадал ривожланиши асосида амалга оширилмоқда. Бунда СССР билан ҳамкорлик катта роль ўйнамоқда. Совет Иттифоқи ва Болгария ишлаб чиқариш тажрибаси, турли соҳаларда ҳужжатлар ва ахборотлар алмашишни кенг йўлга қўйганлар. Иккала мамлакатнинг илмий-техникавий алоқалари бошланганидан буён ўтган 27 йил мобайнида БХРга 7 миллиард комплектдан ортиқ илмий-техникавий ҳужжат топширилди. Улар халқ хўжалигининг машинасозлик, химия, металлургия, энергетика сингари асосий соҳаларини қамраб олади. Ўз навбатида, мамлакатимиз фан-техника потенциалининг ривожлана боришига қараб, Совет Иттифоқига шунга ўхшаш ҳужжатларни топшира бошлади.

Революция ғалабасидан сўнг Болгария ўз куч ва воситалари билан етарли даражада олий маълумотли мутахассислар тайёрлай олмасди. Бу соҳада ҳам биз Совет Иттифоқининг қардошларча мададига таянди. Ҳозир СССРда таълим олган 10 миллиондан ортиқ малакали мутахассис БХР халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларида меҳнат қилмоқда, улар мамлакат ўқитувчи ва миллий кадрларининг асосий ядросини ташкил этмоқда. Болгар олимларидан минг киши Совет Иттифоқида кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ёқлади.

Айниқса, кейинги йилларда илмий-техникавий алоқалар самарали ривожланмоқда. Тўққизинчи беш йилликда юзлаб темалар биргаликда ишлаб чиқилди. Уларнинг кўпчилиги устида иш тугалланиб, ярмидан кўпроғи СССР ва БХР халқ хўжалигида фойдаланилмоқда, улар яхши иқтисодий самара бермоқда. Бу беш йилликда биргаликда қилинадиган ишлар 350 га яқин темани қамраб олган. Бунда халқаро ҳамкорлик практикасида биринчи бор қатор проблемалар умумий координация планлари асосида ташкил қилинади.

Совет Иттифоқи билан Болгария ҳамкорлигининг фан ва техника соҳасида янада ривожланиши БКП XI съезди қарорларини, БХР еттинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

ПРОКАТ ЦЕХИ. Ишнинг кўп қисмини автоматлар бажарапти. Цехнинг бу бошида гўла шаклидаги пўлатлар ишловдан ўтиб, бирнеча жараённи «бошидан кечиргач» ўртароққа етганда лахча чўғ поя шаклига кирмоқда. Бу маҳсулотни автоматлар «қўлдан-қўлга» ўтказяпти ва у тобора ингичкалашиб, тўлганиб-тўлганиб ҳаракатда давом этмоқда. Ниҳоят цехнинг нариги чеккасига етганда автоматик равишда қирқилиб, совуткич мослама устида тўхтаяпти. Худди шу жойдагина, у сал совиб, чўг тусини йўқотгач турли йўғонлик ва узунликда тайёр арматуралар «етилганини» кўришингиз мумкин.

— Шамси ака қаерда?— сўрадим қўлидаги темир илгич билан четга чиқиб кетган арматурани совуткич устига олиб қўйётган корейс йигитдан.

— Хув ана, танимайсизми, ёнидан ўтиб келдингиз-ку,— деди у тўладан келган, оппоқ думалоқ юзли оператор аёл билан суҳбатлашиб турган йигитга ишора қилиб.

Шамси ака билан таништирдим. Смена тугай деб қолган экан, уйга бориб, бафуржа суҳбатлашамиз, деди у эътиборга ўрин қолдирмайдиган жиддий оҳангда. Ўзининг мақсадим ҳам бу таниқли металлург билан бамайлихотир суҳбатлашиш эди..

...Завод дарвозаси олдида Шамси ака бир чеккада турган «Москвич» ёнига бориб, мени ўтиришга таклиф қилди.

— Бировни овора қилишнинг ҳожати йўқ, автобусда кетаверамиз,— дедим мен тортиниб.

— Машина ўзимизники, ўтиринг...

Ота изоҳ бермаса ҳам, тим қора йирик кўзлари, Шамси акага ўхшаш иссиқ истараси унинг қизи эканлигидан далолат бериб турибди...

Уйга кирдик. Мунаввара опа газ ўчоқ ёнида қолди. Шамси ака менинг боиги ҳайронлигимни ўзича тушунибди шекилли, ўша гапни давом эттирди:— Мунаввара асли татар, энди ўзбекланиб кетган. Севишиб турмуш қурганмиз, бирга ишлардик.

Шамси ака бир зум ҳаёлга толди. Унга қараб, рўпарамда ишдан, оиласидан миннатдор, бахтиёр бир кишини кўрдим....

Завод уруш йиллари қурилди. Самарқанда Бекободдаги металл заводи қурилиши учун қурувчилар отряди тузилди. Саид Нуриддинов ана шу отряд бошлиғи бўлиб 1944 йилда Бекободга келди. Корхона қуриб битказилди, сўнг уруш тугади. Шамси балогат ёшига етай деганда, акасидан хат олди: «Завод жуда зўр, келажаги бундан ҳам зўр бўлади, хоҳласанг кел, бирга ишлаймиз».

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

1947 йилнинг баҳори эди ўшанда. Шамси заводга келганича, ҳамон шу ерда.

Беш-олти йил ишлаб, ўзини тутиб олди. Оиласини-ойиси ва укаларини кўчириб опкелди. Ўша кезлари прокат цехида ўзи билан бирга ишлайдиган оператор қиз — Мунаввара Альчикова кўнглига ўтириниб қолди...

Мана, уларнинг турмуш қурганига ҳам чорак аср бўлибди. Муҳаббат фақат қалбнк тан олади, бошқа нарса танламайди. Улар бахтиёр, фаровон турмуш кечиришмоқда.

Уч беш ёшлардаги бола хонага кириб келди:

— Ада, кино бошланади ҳозир, зўр кино.

— Қўяқол телевизорни.

Бола хурсанд бўлди, телевизор қулогини буради. Ота жилмайиб унга яна гап қотди:

— Ҳакимжон, дарсингни тайёрлаб бўлдингми, ўзи?

— Озгина қолди, кинодан кейин...

— Бу кенжамиз,— деди Шамси ака паст овоз билан, —бу йил саккизни битиради. Каттамиз Азиз армияга бориб келди, заводда ишлаяпти.

Улкан «Рекорд-706» телевизорининг экрани бир пириллаб, тиниқ-равшан тасвир намоён бўлди. Телевизор хонадаги жиҳозларга — бахмал билан қопланган диван, қўш кресло, журнал столи, нафис чиннилар терилган сервант — ҳамма-ҳаммасига монанд тушган эди.

Шамси ака изоҳ берди:

— Мусобақада голиб чиқанимиз учун мукофотга беришди, бепул. Бригадамизнинг 34 аъзосига эса номи ёзилган қўл соатлари тақдим этилди...

Бригадада жами 46 киши бор. Шамси Нуриддинов — бригадир-мастер. Коллектив ҳар сменада арматураларнинг ингичка йўғонлигига қараб 200—400 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Цехда ўттиз хилга яқин прокат тайёрланмоқда. Бу йил пешқадам бригада азаматлари пландан ташқари жами 5 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олиб меҳнат қилишмоқда.

Шамси Нуриддинов бошлиқ коллектив фақат прокат цехида эмас, балки бутун корхонада илғор ҳисобланади. Бу коллектив ҳақида гап кетганда илғорлиги ёнига яна бир сифати қўшиб тилга олинади: «интернационал бригада».

Мастердан, пешқадамликнинг сири нимада, деб сўрасангиз у қатор омиллар орасида интернационалликни ҳам алоҳида ургу билан таъкидлайди.

— Бригадамизда ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Лекин бу бизнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашимизга ҳалақит бермайди, аксинча, ёрдам беради. Чунки биз тенг ҳуқуқли Советлар оиласида — ягона оилада яшаб, меҳнат қиламиз. Ўзбеклар Раимжон Бегматов, Иброҳим Нурматов, руслар Анатолий Маров, Николай Бурмистров, украин Николай Кашпецкий, белорус Анатолий Шчипачев, татар Нури Бейтуллаев, тожик Олимжон Маҳмудов, корейс Юра Цой — булар бригадамиз машъаллари.

Шуни ҳам айтиш керакки, турли миллат вакилларидан ташкил топган бригадамизда қайси тилда суҳбатлашиш муаммо эмас. Ҳоҳ ўзбекча, ҳоҳ русча — ҳаммамиз тушунамиз. Асосийси, дилимиз яқин, қалбларимиз туташ, мақсадимиз, йўлимиз — ягона. Бу энг муҳими...

Октябрь революцияси ва III-даражали Меҳнат шуҳрати орденлари кавалери Шамси Нуриддиновнинг оиласи ҳам, бригадаси ҳам интернационал. Бу бизнинг ҳаётимизда камёб воқеа эмас. Биз бундай бахтиёр оилаларни, аҳил-иноқ коллективларни ҳар қадамда учратамиз.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи.

РАНГЛИ ЦЕМЕНТ ТАЙЁРЛАШ КЎПАЯДИ

Маҳсулот сифатини ошириш, янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илғорлар иш тажрибасини оммалаштириш муваффақиятлар гарови эканлигини яхши тушунган Ангрен қурилиш материаллари комбинати ишчи-хизматчилари бу йўналишда кўплаб самарали тадбирларни амалга оширмоқдалар. Корхона меҳнат аҳли 1976 йилги план топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, планга қўшимча равишда 2500 тонна цемент ишлаб чиқарган эди. Бу йил ҳам корхона графикдан ўзиб маҳсулот тайёрламоқда.

Маълумки Ангрен комбинати республикамизда биринчи бўлиб оқ цемент етказиб беришга киришган эди. Бу маҳсулот аввалгисидан анча сифатли бўлиб, турар-жой бинолари ва маданий-маиший муассасаларга безак беришда қўлланила бошланди.

Комбинат Иттифоқимиздаги турдош корхоналар билан дўстона алоқалар қилиб туради. Яқинда бир группа ишчилар Қозоғистондаги Састюбинск заводида бўлдилар. Мазкур заводда рангли цементлар ишлаб чиқарилади. Ангренликлар у ерда янги технология, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларини ўргандилар ва ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Комбинат маъмурияти Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти билан доимо алоқада бўлиб туради. Институт олимлари уларга мураккаб ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда, янги маҳсулотни ўзлаштиришда яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Масалан, олимлар билан ҳамкорликда маҳсулот сифатини янада оширишга эришилди. Ҳом ашёга спирт чиқиндиси — лигнин модда-си қўшила бошланди. Бу эса цементнинг биринчи хусусиятини мустаҳкамлади, унинг рангини ҳам бирмунча яхшилади.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда комбинатни реконструкция қилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Иккинчи айланма печь ишга туширилиш арафасида турибди.

П. ФЕДОРОВ.



Областимизда меҳмон бўлиб турган Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи вакиллари ўлкамиз билан, мусобақадош дўстларининг ҳаёти ва меҳнати билан кенг танишмоқдалар.
А. Абалян фотоси.

ОЛИЙ МАКТАБЛАР ҲАЁТИДАН

ЎҚИШ ЖАРАЁНИДА КОМПЬЮТЕР

Тошкент давлат университети ҳисоблаш марказидаги компьютер таблосида индикаторлар ёниб ўчмоқда. Уларга қараб бугунги кунда қироатхонада қайси китобларга талаб катта эканлиги, ойлик жадвални қандай қилиб яхшироқ тузиш мумкинлиги, студентларнинг ётоқхоналарида қанча бўш ўрин борлиги тўғрисида бериладиган саволларга ва бошқа бир қанча саволларга бир неча секунд ичида аниқ жавоб олиш мумкин, ёттита информацион кичик системаларга бирлаштирилган неча ўн минглаб хилма-хил маълумотлар ҳисобдон машина «хотирасига» ўтказилди ва автоматлаштирилган бошқариш системасининг биринчи навбати ишга туширилди.

— Университетнинг олимлари ва студентлари машина учун тўла математик модель яратдилар, — деди ҳисоблаш марказининг раҳбари, физика-математика фанлари кандидати М. Орипов. — Масалан, олий мактаб ходимлари тўғрисидаги бутун маълумот бир неча формула билан ифодаланган, холос. Илгари бунинг учун даста-даста қоғозлар талаб қилинар ва уларнинг мазмунини ҳатто бир неча кунда ҳам чиқариб бўлмасди. Электрон-ҳисоблаш машинаси эса, бу вазифани бир минутга ҳам бормай беҳато ҳал қилиб беради. Компьютер имтиҳон ведомостларини ҳам ғоят тез ва аниқ «анализ қилади», иш ҳақи ва стипендия «ёзади», бошқа кўпдан-кўп ҳисоб-китобларни қилади.

Ҳозир автоматлаштирилган бошқариш системасининг иккинчи навбати ишлаб чиқилмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этиш, конкурслар ўтказиш, илмий мақолалар тўғрисидаги маълумотлар билан «электрон миядан» ўтказилади. Бу ишларда муаллимлар билан бирга студентлар ҳам актив қатнашмоқдалар.

В. ЧЕРНИШЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ХУШХАБАР САТРЛАРИ

Энергетиклар маслаҳатчиси. Тошкент политехника институти мутахассислари «ўргатган» компьютер ўрта Осиё туташ энерго системасининг бир маромда ишлашига ёрдам беради. Олимлар яратган математик аппарат программанинг асоси бўлди. Бу программага мувофиқ, электрон ҳисоблаш машинаси диспетчерларга табсиялар бериш учун система ишининг ўнлаб характеристикаларини эслаб қолади ва таққослаб чиқади. Бу эса йилига 50 минг тонна шартли ёқилғи тежаш имконини берди.

(ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ПРОПАГАНДИСТ—СИЁСИЙ ЖАНГЧИ

Партиямиз Марказий Комитети меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларни юксалтиришга ғоят катта аҳамият бермоқда. КПСС XXV съезди қарорларида ва Марказий Комитет томонидан сўнгги вақтларда қабул қилинган ҳужжатларда партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасини ҳозирги талаблар нуқтаи назардан юксак савияга кўтариш вазифалари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Янгийўл район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар иш тажрибаларини ҳамда сиёсий маориф ва иқтисодий таълим соҳасида бир мунча ишларини амалга оширмоқдалар. Машғулотларнинг қизиқарли ўтишига жиддий эътибор берилмоқда. Пропагандист ва сиёсий ахборотчиларнинг малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

«ЯНГИЙЎЛ» район газетасининг навбатдаги сонларидан бири ана шу масалага қаратилди. Пропагандистларнинг бир группаси редакцияга таклиф қилинди. Улар КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилишда тўплаган тажрибаларини ўртоқлашдилар. Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системаси соҳасидаги ишларни янада ривожлантириш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш соҳасида қимматли фикрлар билдирдилар.

Газета саҳифаларида берилган материаллар, пропагандистларнинг жанговар ҳозирги талаблар билан боғланган сўзлари район меҳнаткашларини беш йиллигининг иккинчи йилида халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажаришда идеология ходимлари олдида турган вазифаларга қаратилди. Газетанинг бу иши таҳсинга сазовордир.



Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Иўлдош Жўрабоев етакчилик қилаётган бригада аъзолари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотишни бошлаб юбордилар. Улар ҳар куни эл дастурхонига 1,5 тоннадан сифатли сабзи етказиб бермоқдалар. Бригадада сабзи ҳосилдорлиги гектар бошига 120 центнерга етказилади. Суратда: бригада бошлиғи И. Жўрабоев (чапда) ва бригада ишчиси М. Юсупалиевлар жўнатилаётган маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

БЕДА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

ЎНҚЎРҒОН. (Ўз мухбиримиздан). Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози деҳқонлари беда ўримини бошлаб юбордилар. Кўк озуқа берилиши туфайли сигирлардан сут соғиб олиш кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Колхозда 110 гектар ерда бедазор бор. Деҳқонлар бу бедазорларни агротехника талабларига риоя қилган ҳолда парваришлаб, йилдан-йилга ҳосилдорликни оширмоқдалар. Ўтган йили ҳар гектар бедазорга 200 килограммдан калий, 400 килограммдан аммофос солиниб, ўғитланиб, чизеллаб қўйилган эди. Эрта кўкламда эса борона қилинди, тупроқ-илдиз атрофлари юмшатилди. Ҳар гектар ерга яна 400 килограммдан суперфосфат, 200 килограммдан селитра, 110 килограммдан калий солинди. Икки марта суғорилди. Натижада беда тез ривожланди. Деҳқонлар бу йил ҳар гектар бедапоядан 150 ўринга 200 центнердан хашак олиш учун курашмоқдалар.

Турғун Ҳожиев, Обиджон Абдуллаев бошлиқ бригадаларда беданн кам деганда беш марта ўришга ахд қилинди. Шу ойнинг охиридан бошлаб сенаж тайёрлашга ҳам киришилади.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ТАСС БАЁНОТИ

Маълумки, кейинги ҳафталарда Заирда ғалаёнлар давом этмоқда: бу мамлакатнинг жанубий томонида (собиқ Катанга вилояти) марказий ҳукумат ҳокимиятига қарши ҳаракат бошланди. Вазият тамомила равшан — бунда гап нуқул ички можаро тўғрисида бораяпти. Бу можаро бошқа бирон мамлакатга тааллуқли бўлмаслиги керак эди.

Аммо, бу воқеаларга аралашиш ишқибозлари дарҳол топилиб қолди. Бундай ишқибозлар Ғарбда ҳам, Яқин Шарқда ҳам, Узоқ Шарқда ҳам бор. Ғарбдаги бир қанча мамлакатлар, шунингдек Хитой ҳам қурол-яроғ ва ҳарбий анжомларни шошилинч суратда Заир марказий ҳукумати ихтиёрига юбормоқда. Марокаш ўз қўшинларининг бир қисмини Заирга жўнатди. Бу мамлакатдаги воқеаларга жанубий Африкадаги ирқчи режим ҳам аралаша бошлади. Ғарбдаги баъзи мамлакатларда Заирга юбориш учун ёлланганлар танлаб олинмоқда.

Ҳозирги вақтда биринчи қарашдаёқ турли кучлар Заирга қўл чўзаётганлиги юқорида келтирилган фактлардан кўриниб турибди. Аммо уларнинг ҳаммаси бир истак билан — ўз тартибларини қандай қилиб бўлса ҳам Заир халқига мажбуран қабул қилдириш истаги билан ҳаракат қилмоқда. Бу—халқаро майдонда янги муаммони келтириб чиқаришни, жаҳонда хатарли кескинликнинг яна бир ўчоғини яратишни истаётган кишиларнинг қўлидир. Баъзи биров-лар қурол-яроғ, ўқ-дорн юбориб, шу билан бу воқеадан фойдаланиб қолмоқчи бўладилар.

Империалистик кучлар ва уларнинг малайлари Заирнинг ички ишларига аралашаётганлигини яширишга уриниб, аввало Ангола қўшинлари ва Кубанинг ҳарбий хизматчилари гўё Заирга бостириб кирдилар, деган сохта даъвони ишга солдилар. Ана шу сохта даъво узоқ давом этолмади. Ҳозирги кунда Заирнинг жанубидаги қўзғолончилар орасида анголликлардан, кубаликлардан бирорта ҳам киши йўқ эканлигини ҳеч ким рад этишга уринмаяпти. Лекин шунга қарамай, туҳмат кампанияси давом этмоқда. Бу кампания Ангола, Куба ва ҳатто Совет Иттифоқи Заирдаги воқеаларга гўё аралашмоқда, деган даъволар билан уларнинг обрўсини тўкиш мақсадини кўзда тутади.

Бу—сийқаси чиқиб қолган эски усулдир. У ўғри бошқаларда шубҳа туғдирмаслик учун ҳаммадан кўра баланд овоз билан «ўғрини ушланглар!» деб қичқиришга ўхшаб кетади. Аммо, сиёсат борасида бу усул уни ишлатган кишиларга муваффақият келтирмайди. Африка халқлари чин дўстларини ўзларининг нодўстларидан ва айниқса душманларидан яхши ажрата оладилар.

Совет Иттифоқининг Заирдаги воқеаларга алоқаси бор деб тарқатилаётган ҳар қандай бемаъни уйдирмаларни Совет Иттифоқи қатъий рад этади. Айни вақтда Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари ҳар қандай ташқи кучларнинг Заирдаги ички курашга аралашувига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисобламоқда. Ҳар бир халқ ва фақат унинг ўзигина ўз ички ишларини ҳал эта олади. Халқларни уларнинг ана шу ажралмас ҳуқуқидан маҳрум эта оламан деб ҳеч ким ҳаёл қилмасин.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ПИСКЕНТ. Ленин номли колхозининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Матмуса Норқулов етакчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари юбилей йилида мавжуд 91 гектар пахта майдонидан 45 центнерга етказиб хирмон кўтаришга бел боғлашган. Улар колхозда биринчилар қатори чигит экишни тугаллаган эдилар. Айни кунларда бригада аъзолари чигитни бир текис ундириб олиш, ҳар гектар майдонда 120—130 минг туп кўчат сақлаб қолиш учун қизғин курашяптилар.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

ЧИНОЗ. О. Тешабоев «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг илғор бригада бошлиқларидан. У етакчилик қилаётган бригада аъзолари ҳар гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Ҳозир бригада пахтазорларида чигит суви берилаяпти. Пайкалчаларн ва ўқариқларга қўлда барака уруғи экилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда колхозчилардан А. Қиргизалиева, Р. Кенжабоева, Х. Умаралиева, М. Турсуновалар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Х. ФОЗИЛОВА.

ОҚҚЎРҒОН. Бу йил «Ленинобод» колхозидаги Жуков номли қишлоқда янги пахтачилик бригадаси ташкил қилинди. Бригадага уста пахтакор Анорбой Норжигитов бошлиқ қилиб тайинланди. Бригада аъзолари 90 гектар майдонга барака уруғи қадашиб, ҳар гектар майдондан пландаги 38 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил кўтаришга ахд қилишган. Д. Аҳмедова, Б. Тиллаева, Б. Йўлдошев, Х. Усмонов каби бригада аъзолари ана шу улкан хирмон ишқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда пахтакорлар чигитни бир текис ундириб олиб, унга биринчи ишлов беришга ҳозирлик кўрмоқдалар.

З. МАМЕДОВ,
Н. ТЎФОНОВ.

МАШИНАЛАР ПУХТА ВА КЎПГА ЧИДАСИН

«Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг мутахассислари Тошкент политехника институтининг олимлари билан бирга мамлакатда биринчи бўлиб пилталаш машиналарининг пишиқ-пухталигини лойиҳаланиш босқичидаёқ аниқлаш методикасини ишлаб чиқдилар. Бундай методика машиналар кўплаб ишлаб чиқарила бошлангунга қадар уларнинг заиф жойларини аниқлаб олишга имкон берди.

«Ўзбектекстильмаш», бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг орттирган тажрибалари «Тўқимачилик саноати ҳамда енгил саноат учун машиналар пишиқ-пухталиги ва кўпга чидашини ошириш» мавзуига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-техника семинарида якунланди. 12 апрель куни Тошкентда ишлай бошлаган бу семинарда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати, енгил химия саноати учун машинасозлик министрликларига қарашли илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари, корхоналарининг, СССР Госстандарти, академик институтлар ва ўқув юртларининг мутахассислари қатнашмоқдалар.

Уч кун давом қиладиган семинар қатнашчилари соҳа машинасозларининг вазифаларини муҳокама қиладилар, зарур тавсиялар ишлаб чиқадилар.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЖОНКУЯРЛАРИ

ОБЛАСТЬ ИХТИРОЧИЛАРИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИ СЛЕТИДАН

Рационализатор ва ихтирочиларни техника тараққиёти жонкуярлари, типобтинчиликлар деб бежиз айтишмайди. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Фақатгина сўнгги уч йил ичида ихтиро сифатида авторлик гувоҳномаси олинган янги пахта навларининг яратилишидан қишлоқ хўжалиги 300 миллион сўмлик фойда кўрди. Пахтачилик учун машиналар бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси ходимлари яратган «трактор гидросистемаси», янги типдаги универсал пуркагич каби ихтиролар муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилиш ва миллионларча сўмлик давлат маблағини тежаб қолиш имконини берди.

Техника тараққиётини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишни ихтирочилик, рационализаторлик ҳаракатисиз тасаввур қилиш қийин. Сўнгги йилларда пойтахт область корхоналарида ишлаб чиқариладиган машиналар, асбоб-ускуналар, қурилмаларнинг техник даражаси анча ошди. Тўқимачилик, пахта териш машиналари, тракторлар, экскаваторлар ва бошқа турдаги кўпгина машина ҳамда асбоб-ускуналар авторлик гувоҳномаси билан ҳимоя қилинди, бундай машиналарга чет эл мамлакатларида талаб ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда областимизда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг 58 мингдан ортиқ аъзоси янги қурилмалар яратиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқдалар. Улар техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга кўмаклашишяпти, улардан ўз вақтида фойдаланиш ҳамда кенг қўлланиш устидан назорат олиб бормоқдалар.

Техника тараққиёти ихлосмандларининг муттасил ортиб бораётган армияси фаолияти самарадорлигини ошириш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий қилишни тезлаштириш учун нималар қилиш керак? Область ихтирочи ва рационализаторларининг бўлиб ўтган слётида ана шу проблемалар муфассал муҳокама қилинди. Тошкент область касаба союзлари совети раиси А. В. Браилов қилган докладда ва мусобақада қатнашган нотиқлар нутқларида рационализаторлар ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Область рационализаторлари ва ихтирочилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшдилар, ўзларининг мажбуриятларини зиёдаси билан бажардилар. Таклифларни жорий қилиш ҳисобига мажбуриятдаги 35 миллион сўм ўрнига 62 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ихтирочилар ва рационализаторларнинг социалистик мусобақаси ташкил этилган. Бу мусобақа техника ихлосмандларининг фаолиятига самарали таъсир кўрсатмоқда. Тошкент трактор, Тошкент кабель, Олмалиқ химия заводларида «Энг яхши рационализатор», «Энг яхши ихтирочи», «Рационализаторлик бўйича энг яхши цех» номини олиш учун мусобақа кенг йўлга қўйилган. Тошкент область партия комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш, тематик конкурслар, кўриклар, эстафеталар, энг яхши новаторларнинг тажрибасини оммалаштириш рационализаторларга катта ёрдам бермоқда.

Буларнинг ҳаммаси партия, касаба союз ташкилотлари олиб борган катта ташкилоточилик иш натижасидир. Худди шу туфайли ҳам ўтган йили тушган ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари сони кескин ортди. 458 та авторлик гувоҳномаси олинди. 1975 йилда эса 348 та шундай гувоҳнома олинган эди. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланиш 43 процент ортди.

Лекин, айрим корхоналарда рационализаторлар ва ихтирочилар билан ишлаш кўнгилдагидек эмас. Техник янгиликларни жорий қилишга етарлича эътибор берилмаяпти, айрим лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларида эса патент ҳужжатларидан суст фойдаланилади. Бу маълум бўлган техник очимларни қайтадан ишлаб чиқиш учун кўплаб маблағ ва вақтнинг сарфланишига сабаб бўлмоқда. Қабул қилинган таклифларни кўриб чиқишни судраш каби ҳолларга ҳеч ким қўймаслик керак. Айрим тармоқ касаба союз комитетлари ва фабрика, завод комитетлари ВОИРнинг бошланғич ташкилотларига етарли даражада ёрдам бермаяпти.

КПСС XXV съезди қарорларини бу йил ва ўнинчи беш йилликда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан турган катта вазифаларни ҳал қилиш ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатини кенгайтириш бўйича ташкилий ишларни яхшилашни талаб этади. Айниқса, ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси ҳисобланган самарадорлик ва сифатни оширишга алоҳида эътибор бериш даркор.

Слёт қатнашчилари областдаги барча ишчилар, инженер-техник ва илмий-ходимлар, хизматчилар, ихтирочилар ва рационализаторларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

Слёт ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев иштирок этди.

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ АРАЛАШУВИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

ПАРИЖ, 12 апрель. (ТАСС). «Матэн де пари» газетаси Шаба (собиқ Катанга) вилоятида Конго миллий-озодлик фронти қўзғолончи кучларининг ҳозирги вақтдаги кўмондони Натанаэль Мбумба билан ўтказилган суҳбатни эълон қилди. Қўзғолон кўтарган аҳоли деди у, Заирда катта территорияни, шу жумладан Мучача, Кисенге, Касажи шаҳарлари ва бошқа шаҳарларни назорат қилиб турибди. Касажи учун олиб борилган жангда, деди у, ҳукумат қўшинлари сон жиҳатидан устун бўлишига қарамай, юзлаб кишисидан маҳрум бўлди. Иккита самолёт уриб туширилди. Уларнинг орасида 15 танк ҳам бор. Мбумба қўзғолончилар жангларида ҳукумат қўшинларидан қўлга туширган қурол-яроғларидан фойдаланаётганликларини айтди. Мучачини ишғол этишда Америкада ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги турли ҳарбий-техника ва ўқ-дориларни қўлга туширдик, деди у.

Конго миллий-озодлик фронтининг вакили заирлик ҳарбий кишилар ўртасида қўзғолончилар томонига ўтиш ҳоллари кўпайганлигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, шуларнинг кўплари ҳукумат қўшинларининг сафидаги аскарлар маънавий руҳи гоятда пасайиб кетганлиги ва ваҳимага тушганлиги тўғрисида, шунингдек офицерлар жангга тушишдан бош тортаётган солдатлардан ўч олаётганликлари ҳақида гапириб бермоқдалар. Н. Мбумба жазо отрядларининг тинч аҳолига нисбатан қилаётган репрессияларини қоралади.

Қўзғолончилар раҳбари қўзғолон кўтарган халққа қарши жазо операцияларида қатнашаётган НАТО блоки мамлакатларини қаттиқ танқид қилди. У Колвези, Лубумбаши ва Фунгурумдаги Заир армиясининг составида белгияликлар ва французлар борлигини маълум қилди.

БАҒДОД, 12 апрель. (ТАСС). Заир халқи ва унинг орзу-умидларига қарши иш кўраётган баъзи араб мамлакатларининг ҳукуматлари Африканинг жанубида ирқчи режимлар қандай роль ўйнаётган бўлса, кураштаётган Африка қитъасида шундай роль ўйнамоқдалар, деб ёзади Ироқнинг «Тариқ аш-Шааб» газетаси. Заирга бостириб кириши, деган сохта баҳона билан бу мамлакатнинг ички ишларига аралашаётган шу кучлар араб ерлари оккупация қилиб турилганлиги билан муросасозлик қилмоқдалар, араб территорияларини ҳамон оккупация қилиб турган сионист босқинчиларга ёрдам бераётган Америка монополияларининг Заирдаги манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар, деб таъкидлайди газета.

ПАРИЖ, 12 апрель. (ТАСС). Францияннг ҳарбий транспорт самолётлари Марокаш қўшинларини Заирга келтирди. Улар дарҳол Шаба вилоятидаги фронтга жўнатилди. Заир миллий ориентация министри Мбуизе Нсоми Лебванаби Франциянинг «Европа-1» радиостанцияси мухбирига шу ҳақда гапирди.

«Вьетнамда оғир куйган Қўшма Штатлар ўрнига келган Франция Заирда «ғарбни мудофаа қилиш» операциясини бошлаб юборди, деб ёзади «Монд» газетаси. Елисей саройининг ҳарчанд тушинтиришларига қарамай, бу ерда гап дарҳақиқат хавф-хатарли бўлган можарога ҳарбий йўл билан аралашув тўғрисида бораётир, деб баён қилади газета.

ЛОНДОН, 12 апрель. (ТАСС). «Таймс» газетаси ғарб давлатларининг Заир ишларига аралашувидан мақсад «бу мамлакатни Англо йўлидан ривожланиб боришига йўл қўймасликдир» деб кўрсатади. Газета ҳарбий операциянинг вазифаси президент Мобутунинг шалағи чиққан ва тамомила ғарбга қарам режимини қутқариб қолишни кўзлайди, деб ёзади.


ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ

ДАМАШҚ, 13 апрель. (ТАСС). СССР билан Сурия Араб Республикаси ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида узоқ муддатли шартнома имзоланган кунга 3 йил тўлди. Бу ҳужжат иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган янги қадам бўлди.

1976—80 йилларда Сурияниинг нефть саноатини ривожлантириш программасини совет ташкилотлари томонидан тузиб бериш — мазкур шартноманинг энг муҳим моддаларидан бири эди, бу модда бажарилди. Маълумки, республикада бундан илгариги беш йилликлар «қора олтин»ни разведка қилиш, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ишлари СССРдан келган экспертлар ёрдамида тайёрланган программага мувофиқ олиб борилган эди. Бу эса шу тармоқнинг муттасил ривожланишини таъминлади. Ўтган йили планга мувофиқ Сурия Араб Республикасида 10,3 миллион тонна нефть қазиб чиқарилди.

Бундан ташқари, Совет Иттифоқи Мхин билан Пальмира ўртасида 120 километр узунликдаги темир йўл қурилишида Сурияга ёрдам бермоқда.

Совет мутахассислари, шунингдек, мамлакатнинг энг катта денгиз порти Латакияни кенгайтиришда техникавий-иқтисодий ёрдам бермоқдалар. Портни кенгайтириш ишлари тамом бўлгандан кейин юк обороти икки баравар кўпаяди ва йилига 3 миллион тоннани ташкил этади.



Югославияда улкан «Жердап» кемасозлик энергетика системаси қуриб битказилди. Югославия ва Руминия ҳамкорлигида қад кўтарган бу иншоотни тиклашда СССР катта техник ёрдам берди. Суратда: «Жердап» кемасозлик энергетика системаси канали.

ТАСС фотохроникаси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БЕРЛИНЛИКЛАР ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА

БЕРЛИН. Германия—Совет дўстлиги жамиятининг кўп минг кишилик активлари армияси ГДР пойтахтида Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган тадбирларнинг кенг ва хилма-хил программасини тузиб чиқди. Улар Октябрь юбилейини меҳнатда янги муваффақиятлар билан, ижтимоий ва маданий ҳаётга актив қатнашиш, социалистик иқтисодий интеграция бўйича Москвадаги ҳамкасбларн ўртасида сон-саноқсиз дўстона алоқаларни тобора мустаҳкамлаш билан нишонлашга қарор бердилар.

Пойтахтдаги 2.300 ишлаб чиқариш коллективи Германия — Совет дўстлиги номли бригада деган фахрий унвонни олиш учун социалистик мусобақани бошладилар.

МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАР

ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги Руза аэропортининг коллективи шу кунларда биринчи самолёт қабул қилинганлигининг 40 йиллигини нишонламоқда. Бу аэропорт халқ ҳокимияти йиллари мобайнида республиканинг энг катта аэропортига айланди. Ҳар йили у қарийб 2 миллион пассажирни, 35 минг тонна юкни қабул қилмоқда ва жўнатмоқда. ЧССР граждан самолётлари Прагадан жаҳон мамлакатларининг 50 та шаҳарига қатнамоқда.

ЧССРда граждан авиацияси ривожининг муҳим ҳусусияти унинг «Аэрофлот» билан мустаҳкам ҳамкорлигидадир. «Фақат совет самолётларида учамиз», дейилади «ЧСА» авиакомпаниясининг эълонларида.

ТЎҚУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

ТОШКЕНТ—ХАСКОВО: ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

Кеча «Тошкент ҳақиқати» газетасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳўжа Алиқулов бошчилигидаги ўзбек шахтёрлари ҳамда уларнинг хасковолик ҳамкасблари Болгария Халқ Республикасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ради Станчев раҳбарлик қилаётган кончилар бригадаси коллективларининг шу йил биринчи кварталдаги иш якунлари ҳақида хабар қилинган эди. Икки қардош мамлакат кончилари бошлаган бу социалистик мусобақа тобора кенгаймоқда. Тошкент области ва Хасково округи халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ишчи-хизматчилари ҳам меҳнат беллашувига қўшилиб, меҳнатда ажойиб самараларга эришмоқдалар. Шахтёрлардан кейин тўқимачилар ҳам мусобақа бошлашди. Болгариядаги М. Гогов номли Харманли фабрикасининг кўп станокчи тўқувчиси Иванка Гинева ва Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Қулматова шундай мусобақа ташаббускорлари бўлишди.

Бугун «Тошкент ҳақиқати» газетаси икки мусобақадош тўқувчиниинг шу йил биринчи кварталдаги иш якунлари ҳақида материал бермоқда. Бундай хабар «Хасковска трибуна» округ газетасида ҳам эълон қилинади.

ФАҚАТ БИРИНЧИ СОРТ БИЛАН

1976 йил Ленин комсомоли мукофоти лауреати, опа-сингил Виноградовалар номидаги фахрий мукофот лауреати Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Қулматова шу йилнинг 3 март куни ўнинчи беш йилликнинг икки йиллик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. У нормадаги 24 ўрнига 48 станокда ишлаб, ҳар бир станокда техник асосланган нормаиинг анча ошиғи билан бажарилишига эришмоқда. Дилбар топшириқдаги 102 минг 85 метр ўрнига 199 минг 476 метр хом сурп тўқиди. Барча газлама биринчи сорт билан қабул қилинди.

Дилбар Қулматова ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан бошланган мусобақага қўшилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача уч йилу икки ойлик топшириқни адо этиш, йил охиригача пландагидан ташқари 110 минг метр хом сурп ишлаб, чиқаришга қарор қилди.

Моҳир тўқувчи оталиғидаги 46 ҳамкишлоқ қизлар, улар орасида Дилбарнинг сингласи Гулбаҳор ҳам бор, Қулматова ёрдамида тўқувчилик маҳоратини муваффақиятли эгалламоқдалар. Бу қизларнинг ҳаммаси 24 тадан станокни бошқариб, техник асосланган нормани тўла бажаришяпти.

АЖОЙИБ ЮТУҚ

М. Гогов номидаги фабриканинг кўп станокчи тўқувчиси Иванка Гинева БКП XI съезди қарорларидан руҳланиб, ажойиб меҳнат ютуқларига эришди. У нормадаги 4,7 ўрнига 16 станокни бошқармоқда. Моҳир тўқувчи партиянинг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш ҳақидаги чақириғига амалий жавоб бериб, 30 мартда шахсий еттинчи беш йиллик планини бажарди. 89 минг 80 метр шартли ип газлама ишлаб чиқарди.

Ҳар бир машина учун мўлжалланган нормани у 118 процент қилиб бажармоқда, шундай йўл билан ўз нормасининг тўрт баравар ортиғи билан адо этилишига эришмоқда. Пландаги 78 процент ўрнига маҳсулотнинг 90 процентини биринчи сортга топширяпти. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Дилбар Қулматова билан ўзаро социалистик мусобақа уни янги меҳнат зафарларига руҳлантиряпти.

Иванка Гинева ўзининг саккиз кўп станокчи ҳамкасблари билан Улуғ Октябрь революциясининг ўнинчи беш йиллигини шарафига бригада бўйича беш йиллик планни 1977 йилнинг 7 ноябригача бажаришга қарор қилишди. Еттинчи беш йиллик охиригача Иванка Гинева яна учта беш йилликни бажаришга қарор қилди. Ҳар йили у ўз тажрибасини олти ёш тўқувчига ўргатади.

Бизнинг ахборот

ОҒЗАКИ ЖУРНАЛ

Ўзбекистон театр жамиятининг актёрлар уйида «Ҳаёт ва ижод» номли оғзаки журнал ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа давр ичида томошабинлар журналнинг олтита сони билан танишдилар.

Журналда пойтахтимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари, олимлар иштирок этмоқдалар. Учрашувларнинг бирида оперетта театри солисти Зинаида Соловьёва ўз маҳоратини намойиш қилди. Орадан кўп ўтмай республика альпинизм федерациясининг раиси, СССР спорт мастери В. Рацек меҳмон бўлиб келди. У Помир тоғи чўққилари бўйлаб ўтказиладиган альпинистлар сафари тўғрисида қизиқарли ҳикоя қилиб берди.

Журналнинг навбатдаги саҳифаси Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта театри солисти Нина Семизвонкина ижодига бағишланди. У «Аида», «Трубадур», «Пиковая дама» операларидан ариялар ижро этиб, ишқибозларни мамнун этди.

●

УҚУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Оржоникидзе районидаги Абдужалил Матқобулов номли қишлоқ Совети территориясида саккизта мактаб жойлашган. Ҳар йили баҳорда ўқувчилар кўкаламзорлаштириш ойлигида актив иштирок этиб, янги-янги боғлар, гулзорлар бунёд этмоқдалар.

Юбилей йили баҳорида ўқувчилар кўча бўйларига, мактаб атрофларига 10 минг туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда гул кўчатларини ўтказдилар. Пионер ва комсомоллар, айниқса, мактаб территориясини кўкаламзор қилиш ва ободонлаштиришда яхши ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бир группа ўқувчилар эса Тошкент-Чирчиқ магистрал йўлини оталиққа олган. Улар йўл бўйларига кўплаб манзарали дарахт кўчатларини ўтказдилар. Ўқувчилар якшанба кунлари умумҳашар ишларида ҳам актив иштирок этиб, кўчаларни тозалашда, ариқ бўйларини тартибга келтиришда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

●

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР СЕКЦИЯСИ

Янгийўл районидаги табиатшунослар станциясида яна тўртта тўгарак ташкил этилди. Ҳозир бу ердаги ўндан ортиқ тўгарак, 700 га яқин ўқувчи пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик сирларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Ҳозир бир группа ёш табиатшунослар жонажон республикамиз бўйлаб сафарга тайёрланмоқдалар. Улар ўлкамизнинг тарихий шаҳарларида, хушманзара жойларда бўлиб, табиат олами билан яқиндан танишадилар. Йигирмадан ортиқ ёш табиатшунос СССР ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашади.

ЯНГИ ЎҚУВ КОРПУСИ

Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент кинотехникумига кириб таҳсил олишни истовчилар сони йилдан-йилга ошиб бораётганлиги сабабли билим юртини кенгайтиришга киришилди. Беш йилликнинг охирига бориб ўқув группаларини 34 тага етказиш мўлжалланган.

Шу кунларда студентлар шаҳарчасида 480 ўқувчига мўлжалланган янги кинотехникум корпуси қурилиши жадал суръатлар билан ниҳоясига етказилмоқда. Билим юртининг ёнгинасида 400 ўринли ётоқхона биноси битай деб турибди. «Главташкентстрой»нинг 6 трестига қарашли 32-қурилиш бошқармасининг В. Иногомов, Я. Ахмедшин, В. Мельниченко, В. Тушен, Т. Слабодчикова сингари илғор ишчилари шу объектда ишлашади. Улар смена топшириқларини 120—140 процентга етказиб бажаришяпти. Бунёдкорлар коллективи бинони янги ўқув йилигача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишган.

И. РУСТАМОВ,
И. ХОНКЕЛДИЕВ.



Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик санъати институти республикамиз театр ва кино студияларини ёш кадрлар билан таъминлабгина қолмай, хилма-хил жанрда мўйқалам тебратувчи рассомлар ҳам етказиб беради. Суратда: ўқитувчи Владимир Иванович Дрегин рассомлик санъати факультетининг биринчи курс талабалари билан далада машғулот ўтказмоқда. Р. Шамсутдинов фотоси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАКТАБЧАГА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР — 30 АПРЕЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРУВЧИЛАР 3 МАЙДАН БОШЛАБ: рус тили ва адабиёти (ёзма) **ва СССР тарихидан кириш имтиҳони топширадилар.**

БИЛИМ ЮРТИ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗА БИЛАН БИРГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ: меҳнат дафтарчасидан кўчирма (камида 2 йиллик стажга эга бўлганлар) ёки иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Красновосточная кўчаси, 112-уй (1, 62, 16-автобусларнинг «Троицкий поворот» бекати).

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

ЗАНГОРИ ОЛОВ ТУРМУШДА БЕБАҲО ЕНИЛҒИДИР. ГАЗНИ ИШЛАТИШНИНГ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА ОЗГИНА БЎЛСА ҲАМ РИОЯ ҚИЛМАСАНГИЗ ЗАҲАРЛАНИШ, ЎТ ЧИҚИШ, ПОРТЛАШ СИНГАРИ КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАР КЕЛИБ ЧИҚИШИ МУМКИН.

Болаларнинг газ асбобларини ишлатишларига йўл қўйманг. Газдан фойдаланиш қоидаларини билмаган ёки кайфи бор кишиларни газ ёқишга асло йўлатманг. Ёниб турган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг.

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ:

— ёниб турган аланга тепасида соч ёки ювилган кийимларни қуритиш, шунингдек уйни иситиш мақсадида газни ёқиб қўйиш;

— баллонларнинг вентиллари ва плитанинг кранларини калитлар, омбирлар ва шу сингари асбоблар билан очиш ёки ёпиш;

— плитанинг оддий конфоркалари ичкарисига идишлар қўйиш;

— газнинг чиқиб кетаётганини билиш учун олов ёқиб кўриш.



ЭҲТИЁТ БЎЛИНГИЗ!

ОШХОНАДА, КВАРТИРАДА, ЙЎЛАКДА ЁКИ ЕРТЎЛАДА ГАЗ ҲИДИНИ СЕЗИБ ҚОЛСАНГИЗ, ДАРҲОЛ ШАҲАР ЁКИ РАЙОН ГАЗ БЎЛИМИНИНГ АВАРИЯ ХИЗМАТИНИ ЧАҚИРИНГИЗ.

ГАЗ ЧИҚИШИ БАРТАРАФ ЭТИЛГУНЧА ОЛОВ ЁҚИШ, ЧЕКИШ, ЧИРОҚНИ ЁҚИШ ЁКИ ЎЧИРИШ, ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУТЛАҚО ТАҚИҚЛАНАДИ.

«ТАШОБЛГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ БЎЛСИН

Шу кунларда барча Совет кишилари халқимиз ҳаётида катта воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан нишонлаш учун астойдил фидокорлик кўрсатмоқдалар. Далага отланган деҳқоннинг ҳам, корхонаси томон жадал одимлаётган ишчининг ҳам мақсади ягона: самарали ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлаш.

Партия ва ҳукуматимизнинг ана шундай сидқидил шижоаткор халқимизга бўлган ғамхўрлиги беқиёсдир. Агар қиш фаслида меҳнат кишиларини турли спорт лагерлари, дам олиш кунларига мўлжалланган согломлаштириш масканлари, чанғи учиш бўйича туристик базалар кутган бўлса баҳор келиши билан бундай оромгоҳлар сони янада ортди. Ана шулардан бири ҳар бир шаҳар, район, қишлоқ ва посёлкада мавжуд бўлган истироҳат боғлари, кўллар ва бошқа дам олиш зоналаридир.

Кейинги йиллар ичида областимизда паркларни янада гўзаллаштириш, кишиларнинг мириқиб дам оладиган масканларига айлантириш борасида жуда кўп ишлар қилинди. Аввало парклар моддий базасининг мустаҳкамланганлигини таъкидлаш ўринлидир. Биргина ўтган йилнинг ўзида областдаги хўжалик ҳисобида ишловчи тўққизта истироҳат боғи ва «Тошкент денгизи»дам олиш зоналарида 100 дан ортиқ ҳар хил объектлар, аттракционлар фойдаланишга топширилди, кўплаб манзарали дарахтлар ўтказилди.

Меҳнаткашларнинг «Тошкент денгизи» дам олиш зонасини янада қулайлаштириш тўғрисидаги илтимослари асосида анчагина тадбирлар амалга ошди. 27 та сув велосипеди, 5 та катер, 34 та қайиқ ва чодирлар сотиб олинди. Зона территориясига водопровод қувурлари ўтказилди, фонтанчалар ўрнатилди. Паркда 1000 квадрат метрдан ортиқ йўл ва тротуарларга асфальт ётқизилди. Шу кунларда зонада медицина пункти, китоб, газета ва журналлар киоскаси, турли чанқов босувчи ичимликлар билан савдо қиладиган киоскалар ремонти тугалланмоқда.

Баҳорги-ёзги мавсумнинг очилишига айниқса Тошкент шаҳар истироҳат боғлари катта тайёргарлик билан келдилар. Шаҳардаги барча парклар оммавий-маданий, сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича план асосида иш олиб бормоқда. Истироҳат боғлари учун Октябрнинг 60 йиллиги мавзуида турли плакатлар эскизи тайёрланди. Ҳозир «Рассом» комбинати томонидан улар шакллантирилмоқда.

Ҳар йилги анъанага кўра паркдар корхоналарнинг «Ўртоқ Ленин, биз сизга рапорт берамиз», «Ленин ордени кавалерлари билан учрашувлар», «Ленинча меҳнат вахтасида» мавзуидаги тематик кунлари ва кечалари билан очилади.

Адабий-музикали концертлар билан чиқиш, уруш ва меҳнат ветеранлари фаолиятига бағишланган кечалар ўтказиш парклар иш фаолиятидан ўрин олади. Район партия комитетларининг ёрдамида ана шундай кечалар ҳозирданоқ аниқлаб қўйилди.

Паркларда ташкил этилган лекторийлар иши янада жонланади. Республикамиздаги янгиликлар тўғрисида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳақида лекциялар, савол-жавоб кечалари ўтказилади. Ўнинчи беш йилликда мамлакатимиз ва областимиз халқ хўжалигининг ривожланишини, социал иқтисодий ўзгаришларни намойиш этувчи фильмлар кўрсатилади.

Шаҳар истироҳат боғларини мавсумга тайёрлаш жараёнида 32 минг тупдан кўпроқ дарахт кўчатлари, гуллар ўтказилди. Парклардда кўшимча равишда 9 аттракцион ўрнатилди. Истироҳат боғларини мавсумга тайёрлашда Чкалов номидаги авиация бирлашмаси, «Электро аппарат», «Агрегат», «Компрессор» ва «Подъёмник» заводларининг коллективлари катта ёрдам бермоқдалар.

Паркларни мавсумга ҳозирлашга Ангрен, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Пискент, Чиноз ва Бўка районларида ҳам катта эътибор берилаётир. Бекобод шаҳрида қурилаётган янги паркда болалар майдончаси, спорт комплекси, 250 ўринли ёзги эстрада клуби, рақс майдончаси, биллиард павильони, ошхона, чойхона, пляж, 8 та аттракцион қурилади. Ана шу объектлар учун ўтган йили 100 минг сўмлик турли ускуналар ва инвентарлар сотиб олинди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Спорт

ЧЕМПИОНЛАРГА ЧЕМПИОН КАРВОНБОШИЛИК ҚИЛМОҚДА

Кеча Москвадаги «Крылья Советов» спорт саройида шахмат бўйича Европа VI команда чемпионати мусобақалари бошланди. Ғолиблик учун аввалига саралаш мусобақаларида 21 та миллий терма команда куч синашди. Финалга эса Англия, Венгрия, Руминия, Югославия, Болгария, Чехословакия, ГФР ва СССР шахматчилари чиқишди.

СССР терма командаси бундан аввалги беш марта ўтказилган қитъа биринчиликларининг ҳаммасида ғолиб келган. Чемпионлар командасига бу сафар жаҳон чемпиони Анатолий Карпов бошчилик қилмоқда. Шунингдек командамиз сафида собиқ жаҳон чемпионлари Т. Петросян, М. Таль, СССР чемпиони Л. Полугаевский ва бошқа кучли шахматчилар бор.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

«Советский спорт» газетаси соврини учун олий ҳамда биринчи лига командалари ўртасида зонал турнир мусобақалари бошланди. Командалар группаларга бўлиниб Қозон, Уфа, Свердловск ҳамда Глазовда куч синашишмоқда. Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари олий лига вакили Рижанинг «Динамо» командаси билан учрашишди. Хоккейчиларимиз учрашувнинг биринчи бўлимида ҳисобни очибгина қолмай, тажрибали рақибларини билан тенгма-тенг беллашдилар. Иккинчи бўлим ҳам тенг кураш остида ўтди. Фақат сўнгги учинчи бўлимда ташаббусни қўлга олган Рига хоккейчилари устунликка эришиб, ўйинни ўз фойдаларига 6:3 ҳисобида ҳал қилишди.

ТЕННИСЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

Пойтахтдаги «Динамо» стадиони теннис кортларида Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Мусобақада мамлакатнинг энг кучли спортчилари куч синашмоқда.

Республикамиз спорт шарафини турнирда ёш теннисчилар В. Маркин ҳамда В. Овчинникова ҳимоя қилишмоқда. Мактаб ўқувчилари бўлган бу спортчилар ҳали етарли тажрибага эга эмаслар. Лекин шундай бўлса-да, улар ўйинидан мухлислар мамнун бўлишмоқда. 15 ёшли В. Маркин мамлакат биринчилигининг бронза совриндори В. Борисов билан бўлган баҳсда ўзини кўрсатди. Ҳатто бир бўлимда кучли рақиби устидан ғолиб ҳам келди. Лекин тажрибали В. Борисов 3:1 ҳисобида ғалабага эришди. В. Овчинникова Европа чемпиони, СССР биринчиликларининг бир неча бор ғолиби О. Морозова билан бўлган учрашувда ютқазган бўлсада, унинг учун бу мусобақа тажриба мактаби бўлди.

ДОРИ-ДАРМОНЛАРДАН ЎЗ ЎРНИДА ФОЙДАЛАНИНГ

Баъзи кишилар «Салгина мазанг қочганда ҳам ҳар гал врачга мурожаат қилавермай, дорихонадан у ёки бу дорини олиб ичиб қўя қолсанг бўлмасмикан», дейишади. Йўқ, асло бундай қилиб бўлмайди. Негадир, кўпчилик кишилар дори-дармонлар устида ғаи борганда, фақатгина уларнинг фойдалик томонлари ҳақида ўйлайдилар, холос. Ахир, кўпчилик дорилар, улар ноўрин ишлатилганда кўнгилсиз оқибатларга ҳам олиб келиши маълум-ку!

Олимларнинг фикрича, врачнинг маслаҳатисиз ўзбошимчалик билан истеъмол қилинган дори фойда бериши билан бирга баъзи орган ва тўқималарга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, тиббиётда ишлатиладиган 500 дан ортиқ дорилар жигарда асорат қолдирар экан. «Гуноҳсиз» ҳисобланган аспирин ҳам бир қатор кўнгилсиз асоратларга сабаб бўлиши, айниқса овқат ҳазм қилиш системасига салбий таъсир қилиши аниқланди.

Антибиотиклар жуда кучли дорилардир. Шунинг учун улар ёрдамида даволанганда врачнинг кўрсатмасига тўла риоя қилиниши лозим. Врачнинг руҳсатисиз истеъмол қилинса, терида тошмалар тошиши, тана қизиб-қақшаши, меъда-ичак шиллиқ қабатлари яллиғланиши мумкин.

Антибиотиклардан ноўрин фойдаланганда «анафилактик шок», яъни ҳушдан кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳол дори истеъмол қилинган заҳотиёқ рўй беради. Нафас олиш қийинлашиб, бемор бўғила бошлайди, ҳушидан кетади, баъзан бўшашади, юрак уриши теалашади, кўнгли айнийди ва қусади. Агар шошилинч чоралар кўрилмаса, айрим ҳолларда бемор ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Антибиотикларни врачнинг тавсиясисиз, таниш-билиш, қавму-қариндош, қўни-қўшниларнинг кўр-кўрона берган маслаҳати билан қабул қилиб бўлмайди. Чунки, врачнинг маслаҳатисиз, дозасига риоя қилмай, сабабсиз, тартибсиз қўлланилган дори организмга фойдадан кўра кўпроқ зиён етказади. Врач эса бирор антибиотик дори қўлланишини лозим топар экан, у бемор аҳволини, организм ҳолатини, ундаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўрганади.

Касал тарқатувчи микробларга нисбатан беморлик аломатлари тезроқ йўқолади. Бундан баъзи бир хасталар «тузалганга ўхшайман», деб, антибиотик дориларни ичишни тўхтатади. Натижада касаллик сурункали шаклга ўтади. Бу эса узоқ даволанишни талаб этади.

Дориларни уйда сақлашга алоҳида эътибор беринг. Аввало, улар боланинг қўли етмайдиган, салқин, қуруқ жойда сақланиши керак. Акс ҳолда кўнгилсиз воқеа рўй бериши, дори хоссалари ўзгариб, тезда бузилиши мумкин. Бузилган дори эса, фойда ўрнига зарар келтиради.

М. ИСМОИЛОВ,
доришунос.

*

Бекобод районининг маркази Зафар посёлкаси кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда. Суратда: яқиндагина қурилган «Дўстлик фонтани» монументи.

Т. Махкамов фотоси.

*



ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Едингизда бўлсин, ҳушдан кетиш ҳодисаси пенициллин, стрептомицин ва бошқа антибиотикларни арзимаган миқдорда ишлатилганда ҳам рўй беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, пенициллинни нотўғри қўлланиши натижасида Америкада мингдан ортиқ киши ўлган.

Антибиотикларни врач кўрсатмасисиз қабул қилишнинг яна бир зиён томони шундаки, дори касаллик аломатларини ўзгартиради, шифокорни чалғитади. Натижада диагноз қўйиш қийинлашади, қимматли вақт бой берилади.

Антибиотикларни врачнинг тавсиясисиз, таниш-билиш, қавму-қариндош, қўни-қўшниларнинг кўр-кўрона берган маслаҳати билан қабул қилиб бўлмайди. Чунки, врачнинг маслаҳатисиз, дозасига риоя қилмай, сабабсиз, тартибсиз қўлланилган дори организмга фойдадан кўра кўпроқ зиён етказади. Врач эса бирор антибиотик дори қўлланишини лозим топар экан, у бемор аҳволини, организм ҳолатини, ундаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўрганади.

Касал тарқатувчи микробларга нисбатан беморлик аломатлари тезроқ йўқолади. Бундан баъзи бир хасталар «тузалганга ўхшайман», деб, антибиотик дориларни ичишни тўхтатади. Натижада касаллик сурункали шаклга ўтади. Бу эса узоқ даволанишни талаб этади.

Дориларни уйда сақлашга алоҳида эътибор беринг. Аввало, улар боланинг қўли етмайдиган, салқин, қуруқ жойда сақланиши керак. Акс ҳолда кўнгилсиз воқеа рўй бериши, дори хоссалари ўзгариб, тезда бузилиши мумкин. Бузилган дори эса, фойда ўрнига зарар келтиради.

М. ИСМОИЛОВ,
доришунос.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

КОМПОЗИТОРГА...

ЁШ шоирнинг шеърларини кўздан кечирар экан, муҳаррир:

— Бу шеърингиз дуруст. Аммо мана буларини шу ҳолда газетага бериб бўлмайди, — деб, бўшроқ ёзилганларини қайтариб берди.

— Зарари йўқ, мен уларни композиторга бераман! — деди ёш шоир.

МУАЛЛИМ ВА ЎҚУВЧИ

— ХИДИРОВ! Доскага чиқиб, драма, трагедия, комедия нима эканлигини тушунтириб бер.

— Шу иккаламизнинг орамизда бўлган суҳбатлар, менинг доскага чиқмоғим драма. Билмасдан ютиниб туришим кулгини қистатади, бу комедия! Менинг дарсга тайёргарликсиз келишим ва ўртоқларим билан сизнинг олдингизда қизариб туришим жуда ачинарли, бу — трагедия, десак янглишмаймиз.

ОНА ТИЛИ

— БИЗ нима учун «ота тили» демай, она тили деймиз? — ўғли отасидан сўради.

— Ўғлим, онанг отангга қарағанда кўп сўзлайди, шунинг учун, — жавоб берди ота.

ШЧЕДРИН АСАРЛАРИДАН БЕРИНГ

УЗИНИ билимдон деб билган мақтанчоқ кутубхона мудирига дебди:

— Мен жуда кўп китобларни ўқидим, балки сизда мен ўқимаган китоблар ҳам бордир? Сиз менга қайси китобларни тавсия қила оласиз?

— Салтиков-Шчедриннинг янги асарлари бор. Олдин ўқимаган бўлсангиз шуларни ўқинг, жуда қизиқарли, — деб мудир жавоб беribди. Ҳалиги йигит олдин ўқиган китобларини эслаган киши бўлиб, бир оз ўйлабди ва:

— Мен Салтиковни олдин ўқиган эдим. Шчедриннинг асарларини берақолинг — дебди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Инсон ва қонун. 11.00 — Саргузашт фильм. 12.15 — Бизнинг биография. 1939 йил. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Биз табиат билан танишамиз. 16.15 — **«Адабий мерос».** В. И. Ленин Апрель тезисларининг 60 йиллигига. 16.45 — Ж. Верн. «Капитан Грант болалари». 17.15 — Беш йиллик қурилишларида. 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 — Китоб сенинг ҳаётингда. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — **Миллионлар ленинча университи.** 20.00 — Концерт. 20.25 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — «Оила тарихи». Телеспектакль (1-боб). 22.00 — **Вақт.** 22.30 — «Поэзия». 23.55 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Зоология. 13.00 — **«41 йил олмалари».** Бадиий фильм. 14.15 — Болалар учун театр. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — **«Ёшлик».** 19.10 — «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси». Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси. 19.40 — **Ахборот.** Бутуниттифоқ илмий-назария конференцияси кундалиги. 20.00 — БАМ — дўстлик ва мардлик трассаси (1-кўрсатув). 20.20 — Галия Измайлова рақсга тушади. 21.00 — **Ахборот.** Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси кундалиги. 21.30 — Ҳужжатли фильмлар. 22.00 — **Вақт.** (Москва). 22.30 — «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси». **Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси қатнашчилари учун концерт.**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **«Сенинг тақдирнинг учун».** Бадиий фильм. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Қизиқарли математика. 21.25 — Физика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14|IV да **Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.** 15|IV да **Севги тумори,** 16|IV да **Анда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|IV да **Тошболта ошиқ,** 15|IV да **Кўнгли ёш қариялар,** 16|IV да **Жон қизлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14|IV да **Кўзингни каттароқ оч!** (билетлар сотилган), 15|IV да **Тўй муборак қари қиз** (билетлар сотилган), 16|IV да **Фақат аҳл сотилмайди.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

Кино

Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими (3-4-серилар) — «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруни).

Сен менинг қўшиғимсан — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ютуқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Алп воқеаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Азизим, Робинзон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси правление президиумининг аъзоси Х. Ш. Абдусаматовга онаси

Шамсихон АБДУСАМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг медицина бўлими ва унинг марказий даволаш муассасалари коллективлари медицина бўлимининг ходими О. З. Обидовага отаси

Зоҳид Обидович ОБИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (газета «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 14288. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1603.